# № 29/10-22 - сонли ШАРТНОМА

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Худудидаги биноларга турникет қурилмалари харид қилиш ва ўрнатиш бўйича ишларни бажариш юзасидан

**Тошкент шаҳри** **2022 йил «25» октябрь**

**«PRONETWORK»** Масъулияти чекланган жамият (келгусида “Бажарувчи” деб аталади), низом асосида иш юритувчи директор Қосимов З.Т. бир томондан ва **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети** (келгусида “Буюртмачи” деб аталади), низом асосида иш юритувчи ректор Махкамов Б. Ш. иккинчи томондан, биргаликда Томонлар деб аталади қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани имзоладик:

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Мазкур Шартномага биноан Бажарувчи Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети худудидаги биноларга турникет қурилмаларини харид қилиш ва ўрнатиш ишларни бажариш, Буюртмачи ушбу ишларнинг қийматини тўлаб бериш ҳамда ишларни қабул қилиш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур Шартнома бўйича лойиҳани амалга оширишда кўзда тутилган қурилма ва ускуналарнинг умумий миқдори, нархлари ҳамда хизмат кўрсатиш қиймати ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган *1-Илова*да келтирилган.

1.3. Мазкур шартнома бўйича режалаштирилган барча ишларни якунлаш муддати, шартнома имзоланган кундан бошлаб **30** календар кун этиб белгиланди.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ, МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий қиймати мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ***2-Илова***да келтирилган ***Шартномавий нархни келишиш баённомаси***га мувофиқ, ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда **1 490 000 000,00 (бир миллиард тўрт юз тўқсон миллион) сўм** қийматини ташкил этади.

2.2. Буюртмачи мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 10 кун ичида Шартноманинг умумий қийматидан **15%** миқдорида, яъни **223 500 000,00 (икки юз йигирма уч миллион беш юз минг) сўм** миқдорини олдиндан тўлов сифатида Бажарувчи ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Шартнома қийматининг қолган қисми бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш Далолатномаси ва Ҳисобварақ-фактураси имзоланган кундан эътиборан 10 кун муддатда тўлаб берилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1. Бажарувчининг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Буюртмачининг розилиги билан мазкур Шартномада кўрсатилган ишларни (ёки уларнинг бир қисмини) бажариш учун барча масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда алоҳида мутахассисларни, шунингдек бошқа ташкилотларни жалб этиш.

**3.2. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

3.2.1. Мазкур Шартнома шартларига мувофиқ Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети худудидаги биноларга ўрнатилган турникет қурилмалари техник қўллаб-қувватлаш ишларни бажариш;

3.2.2. Бажарувчининг талабига биноан ишларнинг бажарилиши жараёни тўғрисида ахборот бериш.

3.2.3. Мазкур Шартнома доирасида маълум бўлган тижорат, молиявий, техник ва бошқа ахборотлар (сир)ларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик.

**3.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

3.3.1. Бажарувчи томонидан амалга оширилган ишлар сифати юзасидан ўз эътирозларини билдириш ва камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш;

3.3.2. Бажарувчининг мазкур Шартнома доирасидаги мажбуриятларини амалга ошириш жараёнларини текшириш.

**3.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

3.4.1. Мазкур шартнома доирасида бажарилган ишлар қийматини ушбу Шартноманинг 2-бандида ўрнатилган миқдорда ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бериш.

3.4.2. Ўз ваколати доирасида мазкур Шартномада белгиланган ишларни бажаришда Бажарувчига зарурий техник шарт-шароитларни ва бошқа керакли материалларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш.

3.4.3. Мазкур Шартнома доирасида ишларни бажариш жараёнида тезкор қарорларни қабул қилиш учун ўз вакилини белгилаш.

## 4. ШАРТНОМА ДОИРАСИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома доирасида белгиланган ишлар якунига етгач, Бажарувчи Шартнома шартларига кўра ишларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактурани Буюртмачига тақдим этади.

4.2. Буюртмачи имзоланган бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактурани Шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан эътиборан 5 (беш) иш куни ичида Бажарувчига тақдим этади.

4.3. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортганда 5 (беш) иш куни давомида ишларни қабул қилинмаганлигининг асосли сабабларини Бажарувчига ёзма равишда маълум қилиши лозим.

4.4. Бажарилган ишларда камчиликлар аниқланган тақдирда, Бажарувчи 10 (ўн) иш кунидан кечикмаган ҳолда аниқланган камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиши лозим. Аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда Буюртмачи томонидан ёзма огоҳлантириш берилган кундан эътиборан 10 (ўн) иш куни давомида ишларнинг мазкур (сифатсиз ёки яроқсиз деб топилган) қисми учун олинган пул маблағларини Молиялаштирувчига қайтариши лозим.

## 5. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

5.1. Мазкур Шартнома шартларига Томонларнинг келишувига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш мумкин.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишидан бир томонлама бош тортиш ва мазкур Шартнома шартларига бир томонлама ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

5.3. Мазкур Шартнома Томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёзма шаклда расмийлаштирилган, Томонлар томонидан имзоланган Қўшимча келишув билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5.4. Шартнома бир томоннинг талабига биноан фақатгина суд қарори билан, бошқа томон томонидан Шартноманинг шартлари бузилганда, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бунда бир томондан бошқа томонга етказилган Шартнома тузилаётган вақтда кўзда тутилган фойда (манфаат)дан маҳрум бўлишга олиб келувчи зарарлар муҳим омиллар ҳисобланади.

5.5. Бир томоннинг мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш талаби, бошқа томондан Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни рад этилгандагина судга арз қилиниши мумкин.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур Шартномага кўра, Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки номувофиқ бажарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.

6.2. Мазкур Шартномада кўрсатилган ишларнинг бажарилиш муддатларини бузганлиги учун Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиккан кун учун Шартнома бўйича бажарилмаган ишларнинг қийматидан 0,5 фоиз (0,5%), лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Буюртмачи Шартноманинг 2-бобида кўрсатилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатларини кечиктирганлиги учун, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлаб берилиши лозим бўлган ишлар қийматининг 0,5 фоизи (0,5%), лекин тўлаб берилиши лозим бўлган ишлар қийматининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда Бажарувчига пеня тўлайди.

6.4. Мазкур Шартноманинг 9-боби (Махфийлик) шартлари бузилган тақдирда, ушбу камчиликка йўл қўйган Томон бошқа Томонга ҳужжатлар билан тасдиқланган етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб беради.

6.5. Томонлар Шартномада кўзда тутилган пеняни ёзма шаклдаги даъво (талаб)ни олган кунидан эътиборан 10 (ўн) кун ичида тўлаб беради. Пеня тўлаш Шартнома шартларини бузган Томонни мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур Шартнома шартларидан келиб чиқиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида ўзаро келишув асосида ҳал этилади.

7.2. Томонлар мазкур Шартнома бўйича келиб чиққан низоли масалалар ва келишмовчиликларни ҳал этиш учун Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Томонлар 8.2-бандда кўрсатилган вазиятлар туфайли шартнома мажбуриятларини бажаришга имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар бўладилар.

8.2. Форс-мажор ҳолатлар жумласига Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда Томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкони бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида Томонлар бир-бирини ушбу вазият юзага келганлиги маълум бўлган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида огоҳлантиришлари лозим.

8.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вазиятда, мажбуриятларни бажариш муддатлари ушбу вазиятлар ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар узайтирилади.

8.5. Форс-мажор ҳолатлари уч ойдан ортиқ давом этган тақдирда, томонлар Шартномани бекор қилишлари мумкин. Бунда Бажарувчига Буюртмачи томонидан тўлаб берилган олдиндан тўлов, ишларнинг бажарилган қисми қийматини чегириб қолган ҳолда, Буюртмачига қайтариб берилади.

## 10. МАХФИЙЛИК

9.1. Буюртмачи – Қабул қилувчи томонга махфий маълумотларни ошкор қилувчи томондир.

9.2. Қабул қилувчи томон – яъни Бажарувчи Буюртмачидан махфий маълумотларни қабул қилувчи томондир.

9.3. Мазкур шартномага кўра ушбу шартноманинг шартлари ҳамда шартнома тузиш, бажариш ва бекор қилиш пайтида Томонлар ўзаро алмашадиган ҳар қандай маълумот ушбу шартнома амал қилиш муддати ва унинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг 5 (беш) йил давомида (агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида узоқроқ муддат кўзда тутилмаган бўлса) махфий ҳисобланади.

Қабул қилувчи томон Ошкор қилувчи томоннинг олдиндан ёзма розилигисиз, ишни тузиш, бажариш ва тугатиш чоғида Ошкор қилувчи томондан олинган ҳар қандай махфий ахборотни ошкор қилмасликни ўз зиммасига олади. Агар бирон-бир махфий маълумот учинчи томонга шундай розилик билан берилса, қабул қилувчи томон бундай махфий маълумотларни учинчи томонга тақдим этилганда, учинчи томон ушбу маълумотни махфийлигини ушбу шартномада қайд этилган шартларга ўхшаш шартларда сақлаш мажбуриятини таъминлаши шарт.

9.4. Ҳар қандай махфий маълумотни, шу жумладан оғзаки равишда олган Қабул қилувчи томон, Ошкор қилувчи томондан бундай маълумотларнинг махфийлиги тўғрисида ёзма хабар олган бўлса, уни ошкор қилмаслиги керак. Бундай маълумотни худди шундай муҳим даражадаги маълумотларга тааллуқли эҳтиёткорлик даражасида қайта ишлаш мажбуриятини олади.

9.5. Қабул қилувчи томонидан қабул қилинган ахборот қуйидаги хусусиятлардан бирига жавоб берса, махфий ҳисобланмайди ва тегишли равишда Қабул қилувчи томон бундай маълумотларга нисбатан махфийликни сақлаш мажбуриятига эга эмас:

9.5.1. Ахборотни ошкор этилган вақтда ушбу маълумот ҳаммага маълум;

9.5.2. Маълумот қабул қилувчи шахсга унинг махфий эмаслиги тўғрисида ёзма кўрсатма берилади;

9.5.3. Ҳар қандай учинчи шахсдан қонуний равишда олинган маълумотлар;

9.5.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махфий бўлмаган маълумотлар.

9.6. Агар ахборот қонун ҳужжатларига, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, суд қарорига мувофиқ ошкор этилиши лозим деб топилса Қабул қилувчи томон Ошкор қилувчи томоннинг розилигисиз махфий ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқига эга, бунда Бошқа томондан маълумот олган

Томон бу ҳақида Бошқа томонни олдиндан ёзма равишда хабардор қилиши ва ахборотни ошкор қилиш зарурлигини тасдиқлаши шарт.

9.7. Томонлардан бирининг махфийлик шартлари бузилган тақдирда, ушбу Томон Бошқа томонга етказилган зарарни Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судининг қарорига асосан қоплаб беради.

## 11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Ушбу шартнома Томонлардан бирининг Шартнома шартларига амал қилмаган ҳолатида, етказилган зарарни қоплаган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

10.3. Мазкур Шартномага барча ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва Томонлар томонидан имзоланиши лозим.

10.3. Шартнома Томонларнинг ҳар бири учун биттадан икки нусхада тузилиб, барча нусхалар бир хил юридик кучга эга.

## 12. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

| **“Буюртмачи”** | **“Бажарувчи”** |
|---|---|
| **ТУИТ им. Мухаммада ал-Хоразмий** | **«PRONETWORK» МЧЖ** |
| Адрес: г. Ташкент, Юнусабадский р-н, ул. А.Темура, 108.<br>Казначейство Министерство Финансов РУз.<br>*Р/сч:* 23402000300100001010<br>*ИНН:* 201122919 РКЦ ГУ Центр Банк<br>*Л/сч:* 400910860262667094100078001<br>*МФО:* 00014<br>*ИНН:* 201059323<br>*ОКЭД:* 85420 | *Манзил:* Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 29-уй, 9-10;<br>*Банк:* ХАТБ “Orient Finans” Бош офиси;<br>*Ҳ/р:* 2020 8000 9052 8314 1001;<br>*Банк коди:* 01071; *ОКЭД:* 62090;<br>*ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган рақами:* 326020127171;<br>*Тел.:* + 998 (95) 146-66-00;<br>*E-mail:* pronetwork610@gmail.com |
| Ректор | Директор |
| (имзо) м.ў. | (имзо) м.ў. |

**2022 йил “25” октябрдаги**
**29/10-22 - сон шартномага**
**2-илова**

# ШАРТНОМАВИЙ НАРХНИ КЕЛИШИШ БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар, «PRONETWORK» Масъулияти чекланган жамият (келгусида “Бажарувчи” деб аталади), Устав асосида иш юритувчи директор Қосимов З.Т. бир томондан ва **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети** (келгусида “Буюртмачи” деб аталади) Университет Устави асосида иш юритувчи ректор Махкамов Б. Ш. иккинчи томондан ***Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети худудидаги биноларга турникет қурилмаларини харид қилиш ва ўрнатиш ишларни бажариш*** лойиҳасини амалга ошириш учун ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда **1 490 000 000,00 (бир миллиард тўрт юз тўқсон миллион) сўм** миқдорида шартномавий нарх белгилаш тўғрисида келишиб олингани ҳақида ушбу Баённомани имзоладик.

Мазкур баённома Томонлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловларни ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

| **“Буюртмачи”** | **“Бажарувчи”** |
|---|---|
| **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Ректори** | **«PRONETWORK» МЧЖ Директори** |
| ____________ ____________ **(имзо)** | ____________ Қосимов З.Т. **(имзо)** |
| **М.Ў.** | **М.Ў.** |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI * MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI *

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI * PRONETWORK

2022 йил “25” октябрдаги
№ 29/10-22 - сон шартномага
1-илова

# Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети худудидаги биноларга турникет қурилмаларини харид қилиш ва ўрнатиш лойиҳасини амалга оширишда фойдаланиладиган қурилмалар ва хизматлар рўйхати

| № | Қурилмалар, кабел махсулотлари ва хизмат | | Ўл. бир. | Сони | Нархи | Сумма | ҚҚС 15% | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Номи ва Таснифи | Модели | | | | | | |
| 1. | Коммутатор<br>8 портов 10/100 Мбит/с Ethernet. ADI / ADIX. Автоматическое сохранение MAC-адресов. Компактный дизайн, Монтаж на стену или на стол. Простая настройка | Коммутатор<br>**DS-3E0108D-E** | дона | 8 | 138 600,00 | 1 108 800,00 | 166 320,00 | 1 275 120,00 |
| 2. | ID карта<br>Тонкая бесконтактная proximity карта Em-Marine 125 кГц, 2 в 1: бесконтактная технология и возможность идентификации по фотографии, Поверхность из PVC пластика пригодная для нанесения графического изображения, Толщина карты 0,76мм | ID карты<br>EM-Marine | дона | 15 000 | 2 887,50 | 43 312 500,00 | 6 496 875,00 | 49 809 375,00 |
| 3. | Терминал доступа с функцией распознавания лиц. 7-дюймовый сенсорный ЖК-экран, 2 Мп широкоугольный двойной объектив, Расстояние распознавания лиц: от 0.3 до 3 м, Рекомендуемая высота установки для распознавания лиц: от 1.4 до 1.9 м, Количество лиц: 20,000, количество отпечатков пальцев: 5,000, количество карт: 50,000, количество событий: 100,000, 6 статусов посещений, включая приход на работу/уход с работы, уход на перерыв/приход с перерыва, сверхурочную работу, ранний уход с работы, WIFI | Терминал распознавания лиц<br>**DS-K1T671M** | дона | 70 | 5 890 500,00 | 412 335 000,00 | 61 850 250,00 | 474 185 250,00 |

| № | Қурилмалар, кабел махсулотлари ва хизмат | | Ўл. бир. | Сони | Нархи | Сумма | ҚҚС 15% | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Номи ва Таснифи** | **Модели** | | | | | | |
| 4. | Крондонаейн для терминала | Крондонаейн для терминала | дона | 62 | 565 950,00 | 35 088 900,00 | 5 263 335,00 | 40 352 235,00 |
| 5. | Тумбовый турникет-трипод<br>Кол-во карт 60,000<br>Кол-во событий 180,000 Другое<br>Пропускная способность Более 35 человек в минуту Питание АС от 100 до 240 В, от 50до 60 Гц Ширина прохода 550 мм<br>Рабочая температура От -20 до +65 °C<br>Рабочая влажность От 0 до 95 % (безконденсата) Размеры Без упаковки: 232 × 960 × 1208 мм (9.1 × 37.8 × 47.6″) С упаковкой: 390 × 1185 × 1320 мм (15.4 × 46.7 × 52.0″)<br>Материал тумбы Нержавеющая сталь (SUS304) Условия эксплуатации Возможна эксплуатация каквнутри, так и снаружи помещений<br>Уровень защиты IP54 Масса 45 кг | Тумбовый турникет-трипод **CS-B2** | дона | 26 | 5 658 000,00 | 147 108 000,00 | 22 066 200,00 | 169 174 200,00 |
| 6. | Турникет ТРИПОД- ПОРТАЛ<br>Стеклянный (трипрохода) dpi (Monochrome);<br>Поддерживаемые цвета: 16 миллионов; Поддержка блокировки безопасности: Кенсингтонский замок; Емкость лотка для карт: 100дона; Связь с ПК: Ethernet, USB. В комплекте: Картридж и ламинатор дляПоддержка блокировки безопасности: Кенсингтонский замок; Емкость лотка для карт: 100дона; Связь с ПК: Ethernet, USB. В комплекте: Картридж и ламинатор для 15 000 карт. | Турникет ПОРТАЛ (три прохода) **ES3012-3** | дона | 2 | 47 610 000,00 | 95 220 000,00 | 14 283 000,00 | 109 503 000,00 |
| 7. | Ограждение Дилина: 1м Высота:70/150 см | Ограждение | дона | 20 | 404 250,00 | 8 085 000,00 | 1 212 750,00 | 9 297 750,00 |
| 8. | Блок питания Б/П<br>Блок питания в металлическом корпусе. Входное напряжение 220V, Выходное 12V, Номинальный ток 10А. Блок питания имеет 9 независимых выходов 12V 1,1А, защита каждого канала от короткого замыкания. | Блок питания Б/П **12V 10A / 9CH** | дона | 28 | 173 250,00 | 4 851 000,00 | 727 650,00 | 5 578 650,00 |

| № | Қурилмалар, кабел махсулотлари ва хизмат | | Ўл. бир. | Сони | Нархи | Сумма | ҚҚС 15% | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Номи ва Таснифи | Модели | | | | | | |
| 9. | Механическая кнопка выхода<br>Предназначена для работы в составе СКУД, открывания дверей без идентификатора. Подходит для установки на стандартные дверные рамы, укомплектована светодиодным индикатором (белый, зеленый, красный — выключено, включено, на резерве). Наработка на отказ — 1 000 000 циклов.Расстояние индукции — от 40 до 100 мм. Выходной сигнал — NC/COM/NO. Панель изготовлена из алюминиевого сплава. Питание — DC 12 В, мощность передачи — 1 А при 30 В постоянного тока и 0.5 А при 125 В переменного тока. Рабочие условия: температуры — 20 °C… +60 °C, влажность — 0–95 %. Габариты — 86.0×86.0×25.7 мм, вес — 150 г. Тип монтажа — врезной (панель накладная) | Механическая кнопка выхода **DS-K7P03** | дона | 26 | 173 250,00 | 4 504 500,00 | 675 675,00 | 5 180 175,00 |
| 10. | Кабель КСВППЭ-5е 4x2x0,52 (F) | Кабель КСВППЭ-5е **4x2x0,52 (F)** | м. | 4 600 | 4 966,50 | 22 845 900,00 | 3 426 885,00 | 26 272 785,00 |
| 11. | Кабель КСВПП-5е (4x2x0,52) | Кабель КСВПП-5е **(4x2x0,52)** | м. | 2 000 | 4 273,50 | 8 547 000,00 | 1 282 050,00 | 9 829 050,00 |
| 12. | Кабель ПУГНП 2x0,5 | Кабель **ПУГНП 2x0,5** | м. | 500 | 2 310,00 | 1 155 000,00 | 173 250,00 | 1 328 250,00 |
| 13. | Кабель ПУГНП 2x1 | Кабель **ПУГНП 2x1** | м. | 2 875 | 4 158,00 | 11 954 250,00 | 1 793 137,50 | 13 747 387,50 |
| 14. | Гофра труба Ф20 | Гофра **Ф20** | м. | 3 335 | 1 270,50 | 4 237 117,50 | 635 567,63 | 4 872 685,13 |
| 15. | Картридж: Количество отпечатков: 300 | Лента YMCKO: Рулон.<br>1 рулон на 300 отпечатков. | дона | 50 | 1 140 000,00 | 57 000 000,00 | 8 550 000,00 | 65 550 000,00 |
| 16. | Ламинатор для ID Card | Модуль ламинирования для **Primacy 2** | дона | 1 | 33 000 000,00 | 33 000 000,00 | 4 950 000,00 | 37 950 000,00 |
| 17. | Ламинация для принтера | Голографическая пленка: Рулон.<br>1 рулон на 1200 ламинатов. | дона | 15 | 4 200 000,00 | 63 000 000,00 | 9 450 000,00 | 72 450 000,00 |
| 18. | Принтер для ID Card | Двусторонний принтер ID Card **Primacy 2** | дона | 1 | 29 040 000,00 | 29 040 000,00 | 4 356 000,00 | 33 396 000,00 |
| 19. | Метизы крепежные и изоляционные материалы | | дона | 1 | 5 000 000,00 | 5 000 000,00 | 750 000,00 | 5 750 000,00 |

| № | Қурилмалар, кабел махсулотлари ва хизмат | | Ўл. бир. | Сони | Нархи | Сумма | ҚҚС 15% | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Номи ва Таснифи | Модели | | | | | | |
| 20. | Ўрнатиш ва монтаж ишлари:<br>1. Туникет қурилмаларини ўрнатиш ва созлаш ишлари. 28 комплект;<br>2. Юзни таниш терминали ўрнатиш ва созлаш. 70 дона;<br>3. Юзни таниш терминали кронштейнини ўрнатиш;<br>4. Таъминот блокини ўрнатиш. 28 дона;<br>5. FTP ва UTP типидпги тармоқ кабелини ўтказиш. 6600 м.<br>6. Электр кабелларини ўтказиш. 3375 м.<br>7. Гофра труба ўтказиш. 3335 м.<br>8. Коммутатор вурилмалари ўрнатиш ва созлаш. 8 дона<br>9. Турникет ёнига тўсиқлар ўрнатиш. | | дона | 1 | 308 259 206,41 | 308 259 206,41 | 46 238 880,96 | 354 498 087,37 |
| | Жами: | | | | 441 272 872,41 | 1 295 652 173,91 | 194 347 826,09 | 1 490 000 000,00 |

**“Буюртмачи”**

**ТУИТ им. Мухаммада ал-Хоразмий**

*Адрес:* г. Ташкент, Юнусабадский р-н,
ул. А.Темура, 108.
Казначейство Министерство Финансов РУз.
*Р/сч:* 2340 2000 3001 0000 1010;
*ИНН:* 201122919 РКЦ ГУ Центр Банк
*Л/сч:* 4009 1086 0262 667094100078001;
*МФО:* 00014
*ИНН:* 201059323
*ОКЭД:* 85420

Ректор

__________ __________
(имзо)
м.ў.

**“Бажарувчи”**

**«PRONETWORK» МЧЖ**

*Манзил:* Тошкент ш., Мирзо Улугбек
тумани, Мустақиллик кўчаси, 29-уй, 9-10;
*Банк:* ХАТБ “Orient Finans” Бош офиси;
*Ҳ/р:* 2020 8000 9052 8314 1001;
*Банк коди:* 01071; *ОКЭД:* 62090;
*ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган рақами:* 326020127171;
*Тел.:* + 998 (95) 146-66-00;
*E-mail:* pronetwork610@gmail.com

Директор

__________ Қосимов З.Б.
(имзо)
м.ў.

**T A S D I Q L A Y M A N**

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi
Toshkent axborot texnologiyalari
universiteti rektori v.b

_____________B.Maxkamov

“ 4 ” “ oktabr. ”

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti o‘quv binolariga turniket sotib olish va o‘rnatish uchun 161554-sonli lot bo‘yicha xarid qilish komissiyasining bayonnomasiga

# 1-sonli **B A Y O N N O M A**

O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari” to‘g‘risidagi O‘RQ-684-sonli qonuniga muvofiq Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Tovar xomashyo birjasining “etender.uzex.uz” maxsus elektron portalida “**Toshkent axborot texnologiyalari universiteti o‘quv binolariga turniket sotib olish va o‘rnatish**” uchun 161554-sonli lot bo‘yicha xarid qilish komissiyasining bayonnomasi rasmiylashtirildi.

Mazkur bayonnomaga muvofiq quyidagi ma’lumotlar qabul qilindi:

Boshlang‘ich narx:**1 650 000 000** (bir milliard olti yuz ellik million so‘m)

| **№** | **Tijorat taklifini taqdim etgan korxona va tashkilot nomi** | **Tijorat taklifi (Narx qiymati, so‘m)** | **Jami to‘plangan ball** |
|---|---|---|---|
| **1** | “PRONETWORK” MCHJ | 1 490 000 000 | 96 |
| **2** | “SOFTDIVISON” MCHJ | 1 590 000 000 | 93.94214 |

Yuqoridagi ma’lumotlardan kelib chiqib, **Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti o‘quv binolariga turniket sotib olish va o‘rnatish** (lot raqami 161554) bo‘yicha 2022-yil 17-oktabrda xarid komissiyasi bayonnomasi rasmiylashtirilgan, xarid komissiyasi bayonnomasi rasmiylashtirilgan kundan boshlab ikki ish kuni ichida O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari” to‘g‘risidagi O‘RQ-684-sonli qonunining 56-moddasiga asosan mazkur tanlov natijasi bo‘yicha korxona va tashkilotlar tomonidan hech qanday etirozlar bo‘lmadi hamda ikki kunlik muxokamadan so‘ng **“PRONETWORK” MCHJ tashkiloti** g‘olib deb topildi.

Ush bu tanlovda e'lon qilingan ish va xizmatlarni bajarish uchun zaxira ijrochisi sifatida **"SOFTDIVISON" MCHJ** tashkiloti belgilandi.

Komissiya a'zolari:

**Bosh hisobchi** **A.Amirov**

**Bosh muhandis** **M.Nazarov**

**Korrupsiyaga qarshi kurashish "komplaens-nazorat"tizimini boshqarish bo'limi** **M.Umurzoqov**

**Yuristkonsult** **T.Tojibayev**

Komissiya kotibi:

**Davlat xaridlari bo'yicha bosh mutaxassis** **M.Mustafoyev**

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 161554 на приобретение Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti uchun turniket sotib olish va oʻrnatish ishlari

Способ проведения электронный

Дата 17.10.2022

Время рассмотрения 17.10.2022 17:05

Закупочная комиссия Ташкентский университет информационных технологий, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAXKAMOV BAXTIYOR SHUXRATOVICH | Rektor | TUIT |
| **Секретарь комиссии** | MUSTOFOYEV MUSLIMBEK URAL OʻGʻLI | Davlat xaridlari bo'yicha bosh mutaxasis | TUIT |
| **Член комиссии** | AMIROV ASKAR AKTAMOVICH | Bosh hisobchi | TUIT |
| **Член комиссии** | NAZAROV MURODALI MIRZAYEVICH | Bosh muxandis | TUIT |
| **Член комиссии** | TOJIBAYEV TOXIRJON ABDULXAYEVICH | Yuristkonsult | TUIT |
| **Член комиссии** | UMURZOQOV MA'MURJON ASQAR OʻGʻLI | Korrupsiya bo'lim boshlig'i | TUIT |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.10.2022 года № лота 161554.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по приобретению и установке турникета** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по приобретению и установке турникета |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 1650 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 1650 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Pudratchi taklif etayotgan tovarlarining rasmiy hamkori bo'lishi kerak.

Тип: Текстовое значение

Описание: Pudratchi taklif etayotgan tovarlarining rasmiy hamkori bo'lishi kerak.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SOFTDIVISON** | 10 | Статус официального партнера | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО " PRONETWORK" | 10 | Етказиладиган товарлар учун расмий ҳамкор мақоми мавжудлиги | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 Mazkur tovar (xizmat)ni yetkazib berish uchun iqtisoslashgan asosiy vositalar mavjudligi to'g'risida ma'lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: Mazkur tovar (xizmat)ni yetkazib berish uchun iqtisoslashgan asosiy vositalar mavjudligi to'g'risida ma'lumot.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО SOFTDIVISON | 10 | Специальные инструменты | 8 | Экспертная | | |
| ООО " PRONETWORK" | 10 | Лойиҳада фойдаланиладиган асосий воситалар | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ishtirokchi ma'lumotlar uzatish tarmoqlarini loyihalash, qurish va ulardan foydalanish sohasida amaldagi litsenziyaga, shuningdek ushbu sohada Texnik topshiriqni ishlab chiqish tajribasiga ega bo'lishi kerak.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ishtirokchi ma'lumotlar uzatish tarmoqlarini loyihalash, qurish va ulardan foydalanish sohasida amaldagi litsenziyaga, shuningdek ushbu sohada Texnik topshiriqni ishlab chiqish tajribasiga ega bo'lishi kerak.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО SOFTDIVISON | 10 | Наличие лицензии | 9 | Экспертная | | |
| ООО " PRONETWORK" | 10 | Амалдаги Тармоқни лойиҳалаш, ўрнатиш ва ишга тушириш лизенцияси | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 O'zbekiston Respublikasi hududida taklif etilayotgan uskunaga rasmiy xizmat ko'rsatish markazi bo'lishi shart

Тип: Текстовое значение

Описание: O'zbekiston Respublikasi hududida taklif etilayotgan uskunaga rasmiy xizmat ko'rsatish markazi bo'lishi shart

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО SOFTDIVISON | 10 | Сервис центр | 10 | Экспертная | | |
| ООО " PRONETWORK" | 10 | Таклиф этилаётган товарларнинг ҳудудда сервис маркази мавжудлиги | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Korrupsion xolatlarga yo'l qo'ymasligi to'g'risida ishtirokchilarnign yozma tasdiqlangan arizasi

Тип: Текстовое значение

Описание: Korrupsion xolatlarga yo'l qo'ymasligi to'g'risida ishtirokchilarnign yozma tasdiqlangan arizasi

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SOFTDIVISON** | 10 | Заявления | 9 | Экспертная | | |
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | Коррупция холатига йўл қўймасли бўйича корхона аризаси | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 O'ziga nisbatan joriy etilgan bankirotlik tartib-tamoyillarining mavjud emasligi xaqida hujjat()ma'lumotnoma, xat va boshqa hujjatlar)

Тип: Текстовое значение

Описание: O'ziga nisbatan joriy etilgan bankirotlik tartib-tamoyillarining mavjud emasligi xaqida hujjat()ma'lumotnoma, xat va boshqa hujjatlar)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SOFTDIVISON** | 10 | Гарантийное письмо | 10 | Экспертная | | |
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | Банкротлик холатида эмаслиги тўғрисида кафолат хати | 9 | Экспертная | | |

Критерий №7 Tanlov ishtirokchisi tarmoqlar va ma’lumotlarni uzatish tizimlari sohasida kamida 5 nafar sertifikatlangan mutaxassisga ega bo‘lishi kerak.

Тип: Текстовое значение

Описание: Tanlov ishtirokchisi tarmoqlar va ma’lumotlarni uzatish tizimlari sohasida kamida 5 nafar sertifikatlangan mutaxassisga ega bo‘lishi kerak.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SOFTDIVISON** | 10 | Сертификаты сотрудников | 10 | Экспертная | | |
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | Ходимларни малака сертификатлари | 9 | Экспертная | | |

Критерий №8 Tovarlarning xarakteristikalari texnik talablarga to'liq mos kelishi

Тип: Текстовое значение

Описание: Tovarlarning xarakteristikalari texnik talablarga to'liq mos kelishi

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SOFTDIVISON** | 10 | Список прилогоемый устройств по ТЗ | 10 | Экспертная | | |
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | Етказиладиган товарларнинг техник топшириққа мослиги | 9 | Экспертная | | |

Критерий №9 Ishtirokchi oxirgi yil davomida muvaffaqiyatli amalga oshirilgan ishlars va loyihalar bo'yicha kamida 2 ta sharhni (tashkilotning blankida) taqdim etishi shart.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ishtirokchi oxirgi yil davomida muvaffaqiyatli amalga oshirilgan ishlars va loyihalar bo'yicha kamida 2 ta sharhni (tashkilotning blankida) taqdim etishi shart.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SOFTDIVISON** | 10 | Отзыве | 9 | Экспертная | | |
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | Аввал бажарилган лойиҳалар ва улардан олинган тавсияномалар | 10 | Экспертная | | |

Критерий №10 Yetkazib beruvchi tashkilot xisobida ishni bajarish uchun yetarlicha mablag' mavjudligini tasdiqlovchi hujjat

Тип: Текстовое значение

Описание: Yetkazib beruvchi tashkilot xisobida ishni bajarish uchun yetarlicha mablag' mavjudligini tasdiqlovchi hujjat

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SOFTDIVISON** | 10 | ФИНАНСОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ООО_SOFTDIVISON | 9 | Экспертная | | |
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | Лойиҳани амалга ошириш учун корхонада етарлиги маблағ мавжудлиги | 9 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 1 650 000 000.00 | 1 490 000 000.00 UZS | 1 490 000 000.00 | 00.00 | 1 490 000 000.00 | 17.10.2022 11:41:09 | 20 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO SOFTDIVISON** | 1 650 000 000.00 | 1 590 000 000.00 UZS | 1 590 000 000.00 | 00.00 | 1 590 000 000.00 | 15.10.2022 16:13:25 | 18.74214 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО "PRONETWORK"** | 76 | 20 | 96 |
| **OOO SOFTDIVISON** | 75.2 | 18.74214 | 93.94214 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 161554 от 17.10.2022 года на приобретение Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti uchun turniket sotib olish va oʻrnatish ishlari определила победителем:

ООО "PRONETWORK"
307757610

и резервный исполнитель: ООО SOFTDIVISON (308494654)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAXKAMOV BAXTIYOR SHUXRATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | AMIROV ASKAR AKTAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NAZAROV MURODALI MIRZAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TOJIBAYEV TOXIRJON ABDULXAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UMURZOQOV MA'MURJON ASQAR OʻGʻLI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП